

Темурийлар сулоласига мансуб хукмдорлар ва шахзодалар ичида илму фан, адабиёт билан машгул бўлганлари анча. Аммо улар орасида Мирзо Улугбек алохида ажралиб туради. Биз бу гал Улугбекнинг фан тараққиётига кўшган хиссаси тўғрисида эмас, инсоний хусусиятлари, ибратли ишлари ҳақида тўхталишни маъкул топдик.

Давлатни ҳам олимона бошқарган

1394 йилнинг 22 мартида таваллуд топган Мухаммад Тарагай болалигидан бобоси Амир Темур, отаси Шохрух ва устози Козизода Румийдан юксак тарбия олгани боис, ўз даврининг етук фузалоси бўлиб етишганди. Мирзо Улугбек ҳаёти (1394-1449) давомида асосан, салтанат сиёсати туфайли вақтининг кўпини давлат бошқаруви ва урушлар банд килса-да, фан билан шугулланишга имкон топа олди. «Зижи кўрагоний», «Тарихи арбаъ улус» асарларини ёзди. Бухоро, Самарканд ва Гиждувонда учта Мадраса бунёд килдирди. 1424- 1429 йилларда Самаркандда мухташам расадхона барпо эттириб, атрофига Козизода Румий, Гиёсиддин Жамшид, Али Кушчи, Муиниддин Кошоний сингари кўплаб алломаларни тўплади. Уларга зарур шарт-шароитлар яратиб берди. Шундай катта ишларни килган хукмдор ва алломанинг ўзи ҳам доимо илмга интилар, тарозининг илм палласи сиёсат палласини босиб кетарди. Гиёсиддин Жамшид 1417 йили отасига ёзган мактубида бир воқеани келтириб ўтган. Унга кўра, кунлардан бирида Улугбек ва алломалар отда кетаётиб, 818 йил ражаб ойининг ўнинчи ва ўн бешинчи кунлари орасидаги (милодий 1415 йил 15-20 сентябр) душанба куни йил мавсумининг қайси кунига тўғри келишини аникламоқчи бўлишади. Улугбек отда борганича ҳаёлий ҳисоб билан куёшнинг таквими ўша куни бир даража ва икки дақиқа эканлигини топади. Кейин эса манзилга келгач, отдан тушиб коғозга ёзиб ҳисоб килишганида, Улугбек Мирзонинг ҳаёлан килган таквими тўғри эканлиги ойдин бўлади. Бу ҳолат хукмдорнинг қувваи хофизаси ва аклидроки нақадар қучли бўлганини кўрсатади. Шу билан бирга у давлатни ҳам олимона, адолатли равишда бошқарган.

Хийла ёхуд адолатли жазо

Зайниддин Восифийнинг «Бадое ул-вақое» асарида шундай бир ибратли воқеа келтирилади:

Бир куни Улугбекнинг ҳузурига номаълум шахс келиб арз килади:

- Хукмдорим! Бундан олти ой олдин Рум тарафларга сафарга кетишда, беш минг ашрафий акча пулим бор эди. Пулимни шу шаҳарда бирон кимсага омонат қўйиб кетмоқчи бўлдим. Ушбу шаҳарда козидан бошқа диёнатли ва инсофлирок одам бўлмаса

керак, дея ўйладим. Шу боис ўша пулни офтобага солдим ва огзини маҳкам беркитиб, козига топширдим. Сафардан кайтгач, козиникига бориб омонатимни талаб килсам, у ўзини танимасликка олиб, пўписа килди.

Улугбек бу воқеани эшитиб ўйланиб колди ва деди:

- Эртага козиникига бормокчиман. Сен ҳам бор ва мени кутиб тур. Козиникидан чикиб отга минаётганда «дод-вой» кўтар ва бўлган воқеани баён кил.

Эртасига Улугбек Мирзо козини чакиртириб:

- Эй, кози! Мен беҳисоб нақд акча, сандик тўла кимматбаҳо мато ва кўза-кўза олтин улавоҳир тўладим. Казо килсам, фарзандларим огир аҳволга тушиб колса, шу бойлик уларнинг ёмон кунига яраб колар, дея ўйлайман. Шаҳарда бундай хазинани ишониб топширадиган бирон ишончли одамим йўк. Сени диёнатли инсон дейишади, шунинг учун хазинамни сенга омонат топширишга аҳд килдим. Буни иккимиз билсак, бас! Зинҳор бошқа одам эшитмасин!

Кози Улугбекдан бу гапни эшитиб, ич-ичидан суюнди, қувонганидан юраги ёрилишига сал колди.

- Сен уйингга боравер, - деди Улугбек кулук килаётган козига. - Мен изингдан чикиб, хазинани яширадиган жойни ўз кўзим билан кўриб келаман.

Шу тарзда Улугбек козининг уйига борди ва «хазина»ни яширадиган жойни белгилашди. Хукмдор козиникидан чикиб энди отга минаётганида, козига омонат колдирган кечаги одам келиб, «дод-вой» кила бошлади.

- Хукмдорим! - деди у. - Шу козиникида омонат колдиргандим. Лекин ҳеч кайтариб ололмаяман.

Буни эшитиб, козини титрок босди, ранг-рўйи ўчди. Ичидан ўзича мулоҳаза килди:

«Борди-ю, унинг даъвосини рад этсам, подшоҳнинг ишончи йўқолади. Окибатда арзимас беш минг ашрафи (ўша давр пул бирлиги - У. Б.) деб улгуржи давлатдан курук қоламан. Яхшиси, шу қаззобнинг омонатини кайтариб берай».

Шундан сўнг кози ўша одамга ўшқира кетди:

- Эй, баттол! Нега дод соласан? Қачон сен омонатингни мендан талаб килдинг-у, мен йўк дедим? Диёнатли бир кози-га тухмат килгани қандай журъат топдинг?

Шундай қилиб кози гуломига: «Омонат фалон жойда, тез бориб бунга олиб чикиб бер!», - деб буюрди.

Ана шу тарика Улугбек хийла ишлатиб, козидан омонатчининг пулини олиб берди.

Диёнатсиз козига «хазина»ни топшириш ўрнига, уни жазолади ва ишдан бўшатди. Бу тадбир Мовароуннаҳр аҳлини қойил колдирди. Ана шу воқеадан сўнг омма Улугбекнинг адолатпарварлигига қаттиқ ишониб, унга ихлос қўйди...

Хотираси қучли инсон эди

У ҳаётининг 40 йилини Самарқанд тахтида ўтириб, Мовароуннаҳрни бошқариб ўтказди. Қиска умри давомида нафакат сиёсий арбоб, балки тарих ва фалакиёт илмларининг зукко билимдони, бир нечта қуйлар яратган бастакор ҳамда созанда сифатида ҳам тарихда колди...

Бундан ташкари Мирзо Улугбек ўз замондошлари орасида хотирасининг кучлилиги билан ҳам донг таратган эди. Давлатшоҳ Самаркандийнинг «Тазкират уш-шуаро» номли асарида Улугбекнинг ана шу хислатига оид мисоллар келтирилган. Барча хукмдорлар сингари шикорга ҳам гоят кизикадиган Мирзо Улугбек ов пайтида бирор жониворга ўк отиб теккизганида, ўша вақтни эслаб колар, бу воқеа қайси куни, қаерда содир бўлгани, қайси жонивор овланганини дафтарга битиб кўярди. Тасодифан бир куни ўша дафтар гойиб бўлади. Амалдору хизматкорлар қанча изласалар ҳам, дафтар топилмайди. Дафтарни сакловчилар саросимага тушадилар.

Шунда Мирзо Улугбек:

- Ташвиш тортмангиз, мен дафтарга ёзилганларни бошдан оёқ билурмен, - дейди ва қотибларни чакириб, айтиб туради, улар эса ёзиб олишади.

Хуллас, ов ҳам кўпайиб, шикорда отилган жониворлар қайд этилавериш, янги дафтар тўлай деган эдики, йўқолган эскиси топилиб қолди. Шунда қотиблар йўқолган дафтар ва янгидан Улугбек айтиб туриб ёздирган қайдларни таккослаб кўрдилар. Қотибу сарой амалдорлари Мирзо Улугбекнинг фаросати ва хотирасига тасанно айтишди. Чунки қайси ҳудудда, қачон, қимлар билан қандай ҳайвон овланганини хукмдор ёддан аниқ ва беҳато айтиб берган эди.

Бошқа бир ибратли воқеани Улугбекнинг замондоши Шайх Озарий (1382-1462) шундай ҳикоя қилади:

«Мен ҳижрий 800 (милодий 1398) йили Қорабоғда, улуг Амир Темурнинг қиссахони тогоим бирлан бирга эрдим. Ўшанда Улугбек Мирзонинг хизматига тайин этилдим. Ўша пайтда ҳали ёш бола эрдим ва бир неча йил болаликнинг шоду хуррамлигини шахзода бирлан бирга кечирдим. У бирлан бирга ўйнардим, унга нақл ривоятлар айтиб берар эрдим. Шахзода мен ила яқин дўст ва ўртоқ бўлиб қолдилар.

Ҳижрий 852 (милодий 1448) йили мазкур подшоҳ (яъни Мирзо Улугбек) Хуросонни забт этди ва Исфароинга қелиб тушди. Ёшлиқ ўтиб, қартайиб қолган эрдим. Ўрнимдан туриб подшоҳнинг ҳузурига бордим. Мени узоқдан факиру такводор либосида кўрди.

Салом-алиқдан кейин сўрадилар: «Эй, дарвеш, сен эски суҳбатдошимизга ўхшайсен, қиссахонимизнинг жияни эрмасмусен?» Подшоҳнинг ўтқир зехни, фаросат ва пок идрокидин лол қолиб дедим: «Ҳа, жаноби олийлари, ўша қиссахоннинг жияни эрурмен». Улугбек Қорабоғда айтилган ҳикоятлар, Гуржистон газовати ҳамда Озарбайжон ажойиботларини ўртага ташладилар...».

Эллик йилдан кейин ҳам болалик хотиралари, айтилган ҳикоятларини айнан хотирада сақлаб қолишга ҳаммининг ҳам ақл, хотира қуввати етмайди. Мирзо Улугбек эса ўз даврининг жангу жадаллари, сарой ўйинларининг фиску фасодлари, илму нужум, фалакиёт сирлари билан оворалигига қарамай, болаликдаги дўстини, шикордаги қайси жониворни қачон овлаганини эсида сақлаб қолиш даражасидаги, хотираси ниҳоятда кучли инсон эди.

Дунёга тарқалган «Зижи Кўрагоний»

Улугбекнинг энг иқтидорли шогирди Али Қушчи 1471 йилда Самарқандни тарқ этиб,

Истанбулга кетишга мажбур бўлади. Туркияда «Зижи Кўрагоний» асарини тарғиб қилади. Натижада, бу асар секин-аста Европага тарқалади.

Жумладан, Оксфорд университети профессори Жон Гривс (1602-1652) 1648 йилда унга ўзи сўзбоши ёзиб, нашр қилдиради.

1665 йили эса яна Оксфорд университети шарқшуноси Томас Хайд (1636-1703) ҳам мазкур асарни латин ва форс тилида тўлиқ chop этиради.

Поляк астрономи Ян Гевелий (1611-1687) Улугбекнинг «Зижи Кўрагоний»сини шарҳлаб берган.

Англиядаги Гринвич расадхонаси астрономи Флемстид (1646-1719) «Зижи Кўрагоний»ни яна бир бор нашр этириб, европаликларга тақдим қилади.

1839 йилда эса француз шарқшуноси Л.Седийо Улугбек ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганиб, «Улугбекнинг астрономик жадваллари» китобини француз тилида нашр этирганди.

АҚШлик Э.Нобл эса 1917 йилда «Зижи Кўрагоний»ни Америкада тарғиб қилган.

Хуллас, XX асрдан Мирзо Улугбек асари бутун дунёда оммалашиб, фан соҳасида, ҳаётда муҳим ўрин тута бошлади.

Умид Бекмуҳаммад